



Хирка кийган риёкор шайхлар хусусидаким, уларнинг олдида хакикий либос дегани хийла-найранг кийимидир, авом халкка ўргатадиган хакикат ва билимлари эса ахмоклик; хакикий майхўрлар тўгрисидаким, уларнинг вужуд кийимлари йўклик кўлининг зарбасидан йиртилган ва Исо нафасидек жонбахш нафаслари эса мукаддас рух каби пок ва зиёрат жойлари фалакнинг сахнидир

Эй, каллоблик билан жанда кийиб олган шайх, шому сахар зикр айтиб, гавго киласан. Жандангнинг хамма томонларига ямок кадалган, бу ямоклар хаммаси сохта художўйлик ва риё иплари билан тикилган. Айланма куроклар бу кийимингда кўп бўлиб, уларнинг остига пулларни беркитиб кўйиш осон. Унинг тўкималари хам ёлгон ипидан тўкилган. Иблиснинг мўйлаби эса игна вазифасини бажарган. Яшил тўн устидаги ямоклар

найрангбоз фалакнинг нанс юлдузларидир. Ушбу фалак ҳам шунинг учун эрталабда ридо кияди, ёлгон тонг эса унинг байрогидир. Унинг эски салласи чулганган бўлиб, ичида эгриликдан бошка ҳеч нарса йўқ. Унинг хассасини хасса дема, хийла уйининг устунни де: кани энди шу устун синиб, бунака уй ер билан яксон бўлса.

Тасбехини тасбех дема, буттарош бут йўнаётганида чиқиндилардан унинг доналарини ясаган. Бу тошларнинг учидаги сўфиси кофирнинг май идишига ўхшайди, тасбехнинг ипи эса зуннорнинг ипини эслатади. Тиш тозалагичи сўлаги тегиши билан нопок бўлган. У мисвок ёмон хабар битилган ўроглик мактубга ўхшайди, шундай нарсани у гўё ўпиш учун огзига олиб бораётгандай. Икки оёғидаги икки кавуши хазилкашлар учун ўйинчок - эрмак. Осилиб турган ажиб соколи кишининг кулгисини кистатади; ўлтириши минбарга чиққан эчкининг ўзи.

Лекин тутган ишида эчкининг ишидагича ҳам тўгрилик йўқ, чунки у ўгрини тутуди, бу эса ўзи ўгрилик килади. Ечки ўз тоифасига яхшилик истайди; пода минг кўйдан иборат бўлса ҳам пешво. Ўзини хаммасига меҳрибон тутиб, йўл бошлаб, тўгриликка амал килади.

Туну кун тоғу тошда подани бошқариб юриб, уларни хавфли сўкмоқлардан ўтказди. Шайх ҳам ўз одамларига йўл кўрсатади, лекин у кўрсатган йўл тўгри дўзах ўтига олиб боради. Зулмат водийсида бу ажаб тоифа йўлидан адашиб, ўзини ўтга уради. Улар фиск-фасод кайнаган жойдан панох топиб, унга гоҳ «ибодатхона», гоҳ «хонакоҳ» деб от кўяди. Хонакоҳга шайх бўйралар солган; бўйранинг ранги - хийла, хиди - риёдир.

Масжидининг устунлари хар хил бўлиб, кибла томони кийшайган. Эшиги майхўр оташпарастнинг дарахтидан, меҳроби бузук тарсо кизининг қошига ўхшайди. Шайх шу меҳроб орасида тоат киларкан, шайтон нима деса ўшанинг гапига киради. Тагин канча одамлар унга мурид. Лекин улар хаммаси унга лойик, мос муридлар.

Шайх каддини «нун» харфи каби эгиб, бир бурчакда Зуннун сингари ўлтиради. Тўгри йўлни тутмоқчи бўлганларга илмдан сўзлаб, буниси рост, униси билагон, деб гап сотади. Бехуда гапларни кўпайтириб, ҳудожўй одамларни мурид килмоқчи бўлади. Уларнинг бирини хилватнишин бўлишга зўрлайди; бошка хировини эса куч билан узлатга чекинтиради. Яна бирини нафсини тийган одам деб атайди. Бошка бирови бўлган-бўлмаган тушлар таъбирини айтиб лакиллатади. Биров унга ёлгон бир тушни сўзлаб берса, бу унга канча ёлгон таъбирларни кўшади. Хилватда у ўзини одамларга энг якин дўст деб, ўзини Хизрга хамдам бўлган деб кўрсатади. Махкам килиб наша тугиб кўйган латта нашанинг ранги уриб, яшил бўлиб кетган. Унинг отини шайх «Хизр пайгамбар» («Яшил пайгамбар») деб атайди, бемаъни хаёлларини эса башорат туши килиб кўрсатади.

Бундай хилват унинг ахлигагина хос бўлмай, бундай «хизр»(наша) шайхнинг ҳам ажралмас дўсти. Нашани чекиб олиб, у ўзини мартабада энг юкори ўринда деб билади; осмон ҳам, унга колса, унинг учун энг паст жой. Хаёлида у кўтарилмаган даража колмайди, унча-мунча каромат кўрсатганини писанд ҳам этмайди. Ногох унинг кулогига найнинг бир куйи эшитилса, ўзини Илохий май ичган одамдек маст килиб кўрсатади. Ташқаридан келган нагма оханги жуда ёкимли бўлса, ўрнидан сакраб туриб, ўзи ҳам кўшилиб, ашула айта бошлайди. Оёқлари билан ерни депсиб, филдек бўкириб, нафс чангаги олдида хору зор бўлади. Унга эргашган «художўйлар» ҳам шу хилда ҳаракат килиб, унинг атрофида доира бўлиб айланиб, бемаъни хаёллар билан ўзларини сўфийлик кайфиятига соладилар; шайх атрофида фонус атрофида айлангандек айланадилар. Жазавази тутганда муридларининг хар бири пиридан қолишмайди: бемазаликда хаммаси бирдек. Бехуда сўзларни сўзлашда бири чирилдоққа ўхшаса, кўп

айланишда бошка бири пирилдокка ўхшайди. Бири ўзини йўқотиб, тилсиз колса, бошка бирови нола кила бериб, холсиз йикилади. Буниси унисини кўз кири билан кузатиб турса, униси шуниси ҳам камоли ўзини йўқотишга киёс этади. Мунофиклик ўтидан хар бири дўзахга ўхшайди, лекин асл табиатлари совуглигидан эса яхга. Хар бири ўзини шунча кўп уринтирадики, натижада йикилса, тура олмайдиган холга келади.

Уларнинг хаммасининг максади - катта амалдорлар шайхнинг ва хонакохнинг бу ахволини кўрса, шайхнинг пирларга хос намозхонлигини, унинг муридларининг ҳам зикрини, ўз вазифасига амал килишини билиб, уларнинг факирлик ва каноат оркали бу мартабага эришиб, Худо ишки ва мутасаввифлик холатидан бахраманд бўлганларини кузатса. Шундан кейин уларнинг хаммасини авлиё деб хисоблаб, уларнинг сўфийлик холига кириб, ўзидан кетишларини ҳам чин деб ўйлаб, шайх олдида ялиниб-ёлбориб, камчиликларининг чорасини кўрсалар. Иш охир шунга борсаки, мамлакат подшоси ва лашкарбошиси ҳам хабар топиб, кўп дуолар килиб, илтимос билан унга мурид бўлса, мартабасини доим кўтариб турса. Унга хадялар, тухфалар тортса, мол ҳам берса, галлакор ер, кент ва суюргол багишласа. Шундай нарсалар билан бахраманд бўлса, шундагина уларнинг нафси ором, шодлик топади.

Ё Худо, бу кандай пасткаш нафс ўзи?! Бу нафс эмас, ўзи учун ҳам катта азоб-ку! Кун ўтказиш учун шунча найранг! Мансаб учун шунча ёлгонбозлик!

Шундай экан, бу тоифа одамлари ёмонларнинг ёмонидир; дунёда улардан ўтадиган ёмонни топиш кийин. Уларнинг ташкариси яхши, лекин ичлари фасод билан тўла; уларнинг таши жойнамозу ичида одам ёзиладиган жой. Улар нафс олдида рухни кулга айлантирганлар, тоза ипакни эса дажжолнинг устига ёпганлар. Уларнинг ичида дев билан шайтон кайнайди, тани эса малойиклардан тўкилган пат билан пардаланган. Кўйлагидан мушку анбар хиди келади, ичида эса юзта ит ўлиб бадбўйлик билан тўлган. Усти олтинланган сохта пуллар бўлса ҳам, ўтга солиб, булгончдан олтинни айириб олиш мумкин. Лекин бу булгончларга дўзах ҳам хайф, чунки бу ярамас тўда одамларига ўтни хаво раво кўриб бўлмайди. Хамма одам одатда ўтдан азоб кўрган бўлса, булардан ўт азоб тортади.

Мана, кара, одам билан одам орасида канча тафовут бор: буниси Тангри деб бутни танлаган, униси киблани. Биронтаси «жаннат» сўзини огзига ҳам олмайди, шунинг учун уларнинг биронтаси куйишга ҳам нолайик.

Эй, кўнгул, шундай одамларга жахонлар фидо бўлсинки, уларга жахонлар эмас, жонлар ҳам фидо бўлсинки, бундай одамлар икки дунёни ҳам тарк килиб, икки жахоннигина эмас, жонини ҳам тарк этиб, фириб дафтларини елга учириб, номус хиркасини ўтга ёкиб, масжиду майхонани ҳам ёктирмай, майхонага ҳам, Каъбага ҳам бокмасдан, элнинг яхши-ёмонига енг силкиб, одамларнинг бору йўгини бирдек кўриб, жонни ҳам, жахонни ҳам тупрокча кўриб, бутун борлик ва у жойлашган маконни хашакча билиб, дунёдаги хамма нарсаларни ўткинчи хисоблаб, ўзини эса шу йўқлик ўти ичидаги кул деб, бу хаёллар билан ўзини тамом куйдириб, шу кул билан тозаланган оина унинг юзини ёритади! Бундай кўзгуда бегона хеч нарса йўқ, унда максад юзигина жилва килади. Янада тўгрироги, бу юксак хаёллар, хаёллар эмас, зарралар унга хар биттаси бошидан-оёк бир кўзгу бўлиб, уни максад маъшукаси (Худо) га рўпара килади. Хар тарафда кўзгу ва жононлар кўринади; кўз ёмон деган нарсага тушмайди. У каёкка бокмасин, Худони кўради; буларни яратганни эса мутлак яратувчи деб танийди. Тўгри йўл билан улар водийларни кесиб ўтадилар. Йўлдан тойганларга улар хакикий йўлбошчидир. Кимки хижрон зулматида колган бўлса ёки умидсизлик водийсида адашиб

юрган бўлса, ундай одамларга у Хизрдек кўлини узатади, мақсад манзилига етиш учун унга йўл кўрсатади. Огохлик рашки монеълик килмаса, улар Хизрга ҳам хамрохлик килишлари мумкин. Зулмат улар ёккан ўтнинг бир ох дегандаги тутуни, Хизр эса уларнинг хар кадамида учрайдиган яшил гиёҳ . Уларнинг кўзидан томган бир катра ёш Хизрга юзта хаёт суви чашмаси бўлади. (Кадамларидан кўтарилган) чанглари кўзга тўтиё, уларнинг амри билан оддий мис кимиёга айланади. Адолатсиз осмон билан унинг юлдузлари уларнинг кахрлари ўтидан чиккан тутун ва учкунлардир. Бир кунда канчадан-канча манзилларни босиб ўтувчи куёш билан ой уларнинг мархамат гулшанидаги икки япроқдир.

Улар каёкка улуг сафарга чикмасин, юзларидаги хар катра тер чукур бир денгиздир. Улар каерники мактаб тўхтар эканлар, уларнинг мактовларидаги хар бир харф тогча маънога эга. Шахсан уларнинг ўзлари бир парча ер устида яшаб турган холда, фалак гулшанида сайр киладилар. Шариат иклимида йўллари ёруг бўлиб, унинг чизиги хар кандай мавхумликдан тоза. Сайрда улар шундай майдонда юрадилар, шундай майдонда жавлон киладилар. Уларнинг хар бири жони борича тоат килади, имкони борисна жонларини кийнайдилар. Хар ишда пайгамбар (Мухаммад) одатига амал киладилар. Унга жон-дилларидан миннатдорлик изхор этадилар. Кетма-кет канча ишларни бажаришмасин, хеч нарса кўрмагандай, хеч иш килмагандайлар. Бир томондан олдиларига келиши мумкин каттикчиликларни жиддий тушунишга харакат килсалар, иккинчи томондан доим ўз ожизликларини тан олиб, тавба килиб (Худодан) узр сўрайдилар. Негаки нима юз берса бу унинг амридир, шунда жаннат умиди колиб, дўзах хавфи кетади. Кийин вақтда ким бошка ерни эсласа, демак, бундай одамга севги хакида сўзлаш нораводир.

Эй, бу севги гавхарига жой кидирган одам, билки, бунинг асл жойи кондир.

Алишер Навоий, "ХАЙРАТ УЛ-АБРОР"дан